


ЎЗБЕКИСТОН – МИСР ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг таклифига биноан 20-21 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Қоҳира, 21 февраль. Ўза махсус мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга илк ташрифи ана шу азалий алоқаларни бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги асосда равнақ топтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг ушбу тарихий ташрифидан катта натижалар кутиляпти. Миср биз учун бутун Африка минтақаси давлатларини боғловчи дарвоза ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу мамлакат аҳборот-коммуникация технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича бой тажрибага эга.

Ўзбекистон ва Миср ўз минтақаларида фаол иқтисодий савдо, инвестициявий ва логистика муҳитини яратмоқда. Шу салоҳият бирлаштирилса кўплаб янги бозорлар пайдо бўлади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 21 февраль куни ўтказилди. Қоҳирадаги “Ал-Иттиҳодия” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси раҳбарининг ушбу мамлакатга илк ташрифи билан аҳамиятлидир.

Сарой олдидаги майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фарий қоровул саф тортди.

Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси давлатимиз раҳбарини самимий қарши олиб, махсус шоҳсупага таклиф этди.

Ҳарбий оркестр ижросида икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Сўнг давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

“Ал-Иттиҳодия” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг музокарали бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўзаро муносабатларни кенг қамровли шериклик даражасига олиб чиқишга келишиб олдилар.

Афғонистонни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш бўйича халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентлар давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида ўтган Ўзбекистон — Миср ишбилармонлик тадбирларининг якунларини юксак баҳоладилар.

Ўзаро инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишга келишиб олинди. Икки мамлакат иқтисодий тлари бир-бирини тўлдириб турувчи хусусиятга эга эканидан келиб чиқиб, бешта аниқ йўналишда — газ-кимё, тўқимачилик, электротехника, заргарлик ва фармацевтика тармоқларида ҳамкорлик қилиш чоралари белгилаб олинди.

Саноат кооперациясини ривожлантириш ва юқори рентабелли қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар имкониятларидан фойдаланиш таклиф қилинди.

Энергетика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Мисрнинг боғлаб турган транспорт йўлакларини ривожлантириш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Маданий-гуманитар ва диний алоқаларни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Араб тили мутахассисларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан келишувга эришилди. Ўзбекистон Президенти 2024 йилда Арабшунослик глобал форумини биргаликда ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди. Якунда Шавкат Мирзиёев Абдулфаттоҳ ас-Сисини мамлакатимизга ташриф билан келишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикасига ташрифи доирасида олий даражадаги музокаралар якуни бўйича ҳужжатлар имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган Қўшма баёнотни қабул қилдилар.

Президентлар ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Улар икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари, Ўзбекистон

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Миср Инвестициялар бўйича бош бошқармаси ўртасидаги, ўсимликлар карантини ва ҳимояси, жамоат соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, инвестицияларни жалб қилиш ва икки томонлама инвестициявий муносабатларни мустаҳкамлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш, тараққиёт масалаларида тажриба алмашиш каби йўналишлардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришни назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан Миср Миллий кутубхонаси ва архиви билан ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси оммавий ахборот воситалари вакилларига баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари қўшна ва бетакрор Миср заминида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдирди. Миср раҳбарияти ва халқининг улкан ютуқлари Ўзбекистонни хурсанд қилаётганини айтди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида етакчилар икки мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар — Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва Мисрнинг “Янги Республика” дастури бир-бирига ҳамоҳанг экани, янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар уйғунлиги тўғрисида яқдил фикр билдирдилар.

Биз биргаликда нафақат икки мамлакат ўртасида, балки стратегик жиҳатдан жуда муҳим бўлган минтақаларимиз орасида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этишни мақсад қилганмиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Учрашувда давлат раҳбарлари сиёсий маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар ва хавфсизлик соҳаларидаги кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш масалаларини атрофлича кўриб чиқдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликда мавжуд улкан имкониятлар ва салоҳият тўлиқ ишга солинмаётган

ни алоҳида қайд этилди, шу муносабат билан савдонинг кўпайтириш учун амалий механизмлар ва самарали чораларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Биргаликда “яшил” энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, икки давлатни боғловчи мақбул транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий зоналар имкониятларидан фойдаланиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари яна бир бор Миср компаниялари мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириши учун барча шароитлар яратилишини билдирди.

Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида фаол ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттиришга аҳдлашиб олинди. Етакчилар Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва ушбу мамлакат халқига кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни сусайтирмаслик зарурлигини таъкидладилар.

Халқларимизни умумий дин, ўхшаш анъана ва урф-одатларга асосланган азалий дўстлик ришталари боғлаб туради. Шу муносабат билан илм-фан ва таълим алмашувлари, умумий тарихий ва маданий меросимизни биргаликда ўрганиш, ёшлар ўртасидаги ва ижодий алоқаларни кучайтириш масалалари икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик кун тартибда алоҳида ўрин эгаллаши таъкидланди.

Шу маънода, икки мамлакат шoir ва адиблари, санъаткорлари ва маданият арбобларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга тайёрлик билдирди.

Президентимиз буюк аллома бобомиз Аҳмад Фарғонийнинг ибратли ҳаёт йўли ва илмий меросини чуқур ўрганиш ва ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида икки мамлакат олимларининг дўстлик илмий жамиятини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг якунида Ўзбекистон — Миср самитининг натижалари икки томонлама муносабатларни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиши ва уларга узоқ муддатли руҳ бағишлашига қатъий ишонч билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи якунланди.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МИСР АФРИКА БОЗОРЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН ЭСА МИСР УЧУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЗОРЛАРИГА КИРИШ ДАРВОЗАСИ ҲИСОБЛанади

Мисрнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20-21 февраль кунлари ушбу мамлакатга расмий ташрифи тафсилотлари кенг ёритилаётди.

Нуфузли кундалик босма нашрлар ва телеканалларда Ўзбекистон Президентининг Мисрга келгани, Қоҳира аэропортида Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси томонидан қутиб олингани ҳақида туркум материаллар берилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, “Миср аль-Балад” ва “Саут аль-Шааб” сингари ОАВда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрга расмий ташрифи тўғрисидаги материаллар “Хуш келибсиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти, барча мисрликларнинг қалби яқин бўлган давлатдан келган муҳтарам меҳмон!” сарлавҳаси остида эълон қилинди.

Уларда олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Миср —

Ўзбекистон муносабатларини кенгайтиришнинг бутун қамровига оид масалалар ўрин олгани қайд этилган. “Хусусан, сиёсий, иқтисодий, маданий-савдо ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда”, дея ёзилади Миср ОАВда.

“Ал-Жумҳурия” газетасида чоп этилган “Мисрнинг янги ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди” ва “Тошкентдан Қоҳирага” сарлавҳали мақолаларда таъкидланганидек, географик масофалар нисбатан узоқ бўлишига қарамай Ўзбекистон ва Миср халқларини кўп асрлик тарихий, савдо-маданий алоқалар боғлаб туради.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЗАЛИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЁРҚИН РАМЗИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикасига илк расмий ташрифи якунлари хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Халқаро таҳлилчилар томонидан эътироф этилишича, ушбу ташриф нафақат икки томонлама Ўзбекистон — Миср муносабатларида янги саҳифа очди, балки Марказий Осиё минтақаси ва Африка давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Зулкифли БАҲОРУДДИН, Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси: — Мамлакат раҳбари Шавкат

Мирзиёев ташаббуси билан жаҳон миқёсида иқтисодий дипломатияни илгари суриш асносида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаоллиги кейинги йилларда ўсиб бораётганига яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Президентининг Сингапурга буорган (январь) давлат ташрифидан бир ой ўтмасдан ташкил этилган Қирғизистон (январь) ва Мисрга (февраль) ташрифлар бунинг ёрқин далилидир.

➡ 2

Конференция

«ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОХОТЛАРГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРМОҚДА»

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида “Ўзбекистонда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш мақсадида муносиб меҳнатни тарғиб қилиш” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус резолюциясига мувофиқ, халқаро миқёсда 2009 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган “Бутунжаҳон ижтимоий адолат кунини” муносабати билан ташкил этилди. Муҳими, ушбу анжуман юртимизда меҳнат муносабатларини янада тақомиллаштириш, соҳага халқаро меҳнат стандартларини жорий қилиш, меҳнат қончилигини ривожлантириш юзасидан янги ҳуш ва тақлифларни ишлаб чиқишда ўзига хос платформа вазифасини ўтагани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директорининг ёрдамчиси, Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси раҳбари Х. Коллер ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг соҳа бўйича 100 дан зиёд мутахассислари, хориж мамлакатларининг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, Олий Мажлис палаталари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

➡ 3

Руслан ЖУМАМУРОДОВ
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

